

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**УТЕМУРАТОВ МАХМУТ АЖИМУРАТОВИЧ
ХАСАНОВ ТОХИР АБДУРАШИДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ**

**фанидан мустақил таълимни ташкил қилиш бўйича
(услубий кўрсатма)**

ТОШКЕНТ – 2018

Тошкент архитектура қурилиш институти 2018 йил 28 июндаги Илмий-услубий Кенгашининг 9-сонли мажлисида **“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”** фанидан мустақил таълимни ташкил қилиш бўйича услубий кўрсатма сифатида нашр этиш учун тавсия қилинган.

Утемуратов М.А., Хасанов Т.А. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан мустақил таълимни ташкил қилиш бўйича услубий кўрсатма – Тошкент: ТАҚИ, 2018. – 45 б.

Такризчилар: ТДИУ “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” кафедраси мудир, доцент А.К. Содиқов
ТАҚИ “Фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фанлар” кафедраси мудир, сиёсий фанлар номзоди, доцент Н.Ш.Бердалиев

Мазкур услубий кўрсатма Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йил 9 сентябрдаги 3-сонли мажлис баёни билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Ушбу услубий кўрсатма “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанидан бакалаврнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлари мазмунига қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган.

© М.А.Утемуратов., Хасанов Т.А.

© Тошкент архитектура қурилиш институти, 2018 йил.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан сўнг демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришни асосий мақсад қилиб белгилаб олди. Унинг шаклланиш жараёнида миллий-маънавий меросимизга, миллий давлатчилик соҳасидаги кадриятларимизга таянган ўзига хос ва мос тараққиёт йўли танланди. Негаки ўзининг маънавий кадриятларига, меросига таянмаган, уни ҳисобга олиб умуминсоний кадриятлар, тамойиллар билан уйғунлаштира олмаган жамиятни ҳақиқий демократик жамият деб бўлмайди.

Зеро, мамлакатимизда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг ўқитилиши бир томондан мамлакатимизнинг мустақилликка эришишининг самараси билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, мустақиллик туфайли Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлининг устувор йўналишини демократик жамият қуриш билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Демократик жамият қуриш мақсадлари эса кўп қиррали жараён бўлиб, бир қатор муаммоларни ўз ичига олади. Бунда асосан икки муҳим жиҳат: демократик жамият қуришда дунё мамлакатлари тажрибали ва эришган ютуқлар, умумэътироф этилган тамойиллар, иккинчидан ҳар бир мамлакат ёки халқнинг ўзига хос, миллий-маънавий хусусиятларини ҳисобга олиш бу фанни ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

Бу билан боғлиқ қонуниятларни ҳисобга олиш, уни ўрганиш бўйича ишланган ушбу услубий кўрсатма Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини пухта эгаллашга ёрдам беради.

Мустақил ишни тайёрлашда мазкур фанни ўрганиш, унинг мазмунини мукамал ўзлаштириб олишда, талаба ёшлар энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов, давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев нутқи, маъруза ва асарларидан ҳамда кўплаб олимларнинг мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлига бағишланган асарларидаги материаллардан фойдаланишлари

лозим. Негаки, Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришнинг илмий-назарий асослари, амалий йўллари реал воқеликни умумлаштирган ҳолда батафсил кўрсатиб берилган.

Шу билан бирга талаба мустақил ишни тайёрлашда муҳим манбалардан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунлари, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан ҳам фойдаланса ишнинг қиммати ошади.

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини яратиш йўлида амалга оширилган ва кечаётган жараёнлар билан танишиш қўшимча адабиётларни, ОАВ ва тегишли давлат органларининг расмий сайтларида ёритилаётган маълумотларни ўрганиб боришни тақозо қилади. Улар асосида рефератлар, тақдимотлар ва маърузалар тайёрлашлари лозим.

“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанидан мустақил таълимни бажариш бакалавр босқичида 3 курснинг 5 семестри ҳамда 4 курснинг 7 ва 8 семестрларида олиб борилади. Ушбу мустақил ишни бажариш бўйича услубий кўрсатма “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фани намунавий ва ишчи дастурлари асосида ТАҚИ ўқув юкламасидан келиб чиқиб 3 курслар учун 60 соат (маъруза – 18 соат, семинар – 18 соат, мустақил таълим – 24 соат) ҳажмида, 4 курслар учун 112 соат (маъруза – 28 соат, семинар – 28 соат, мустақил таълим – 56 соат) ҳажмида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг 2009-йил
14-августдаги 286-сонли буйруғи билан
тасдиқланган

**Талабаларни мустақил таълимини
ташқил этиш ва назорат қилиш бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да чуқур назарий ва амалий билимлар билан бир қаторда танланган соҳаси бўйича мустақил фаолият кўрсата оладиган, ўз билими ва малакасини мустақил равишда ошириб борадиган, масалага ижодий ёндошган ҳолда муаммоли вазиятларни тўғри аниқлаб, таҳлил қилиб, шароитга тез мослаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланади.

Маълумки, ахборот ва билимлар доираси тез суръатлар билан кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда барча маълумотларни фақат дарс машғулотлари пайтида талабаларга етказиш қийин.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, талаба мустақил равишда шуғулланса ва ўз устида тинимсиз ишласагина билимларни чуқур ўзлаштириши мумкин. Талабаларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари мустақил таълим жараёнидагина шаклланади, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади.

Шунинг учун талабаларнинг мустақил таълим олишларини режалаштириш, ташқил қилиш ва бунинг учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш, дарс машғулотларида талабаларни ўқитиш билан бир қаторда уларни кўпроқ ўқишга ўргатиш, билим олиш йўлларини кўрсатиш, мустақил таълим олиш учун йўлланма бериш олий таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Талаба мустақил иши (ТМИ) – муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Ўқишнинг бошланғич босқичларида ТМИни ташкил этиш бир қатор вазифалар билан боғлиқ. Айниқса, биринчи курс талабаларининг таълимининг навбатдаги тури – олий таълим талабаларга кўникиши қийин кечади. Чунки улар таълим олиш жараёнида ўз мустақил фаолиятларини ташкил қилишни деярли билишмайди. Маълумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, уларни таҳлил қилиш ва зарурларини ажратиб олиб тартибга солиш, конспектлаштириш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, ўз вақтларини тўғри тақсимлаш, шунингдек, ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Энг асосийси, улар мустақил таълим олишга руҳан тайёр бўлишмайди.

Шунинг учун ҳар бир профессор-ўқитувчи дастлаб талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотиши, уларни сабр-тоқат билан, босқичма-босқич мустақил билим олишни тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориш лозим бўлади. Талабалар томонидан мустақил равишда ўзлаштириладиган билим ва кўникмаларнинг курсдан-курсга мураккаблашиб, кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ташаббускорлиги ва ролини ошириб бориш зарур. Шундан мустақил таълимга кўникма бошлаган талаба фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг еҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзи зурур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради.

Талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидаги жиҳатлар эътиборга олиниши лозим:

- ўқиш;

- муайян фаннинг ўзига хос хусусияти ва ўзлаштиришдаги қийинчилик даражаси;
- талабанинг қобилияти ҳамда назарий ва амалий тайёргарлик даражаси (таянч билими);
- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражаси;
- талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражаси;
- мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва хажми, қийинчилик даражаси семестрдан-семестрга кўникмалар ҳосил бўлишига мувофиқ равишда ўзгариб, ошиб бориши лозим. Яъни, талабаларнинг топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги даражасини аста-секин ошириб, уларни топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашишга ўргатиб бориш керак керак бўлади.

ТМИни ташкил этишда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

- фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;
- амалий, семинар ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўриб келиш;
- маълум мавзу бўйича реферат тайёрлаш;
- курс иши (лойиҳалари)ни бажариш;
- битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси учун материаллар тўплаш;
- ҳисоб-китоб ва график ишларини бажариш;
- макет, модел ва бадиий асарлар устида ишлаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммонинг ечимини топиш, тест, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш;
- илмий мақола, тезислар ва маъруза тайёрлаш;
- амалий мазмундаги ностандарт масалаларни ечиш ва ижодий ишлаш;

- уй вазифаларини бажариш ва бошқалар;

Фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда талабаларга мустақил иш учун бошқа шакллардаги вазифалар ҳам топширилиши мумкин. Талабаларга қайси турдаги топшириқларни бериш лозимлиги кафедра томонидан белгиланади.

Топшириқлар пухта ўйлаб чиқилган ва маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, талабаларнинг аудитория машғулотида олган билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тўлдиришга хизмат қилиши керак.

Мавзуни мустақил ўзлаштириш.

Фаннинг хусусияти, талабаларнинг билим даражаси ва қобилиятига қараб ишчи ўқув дастурига киритилган алоҳида мавзулар талабаларга мустақил равишда ўзлаштириш учун топширилади. Бунда мавзунинг асосий мазмунини ифодалаш ва очиқ беришга хизмат қиладиган таянч иборалар, мавзуни тизимли баён қилишга хизмат қиладиган саволларга эътибор қаратиш, асосий адабиётлар ва ахборот манбаларини кўрсатиш лозим.

Топшириқни бажариш жараёнида талабалар мустақил равишда ўқув адабиётларидан фойдаланиб ушбу мавзуни конспектлаштирадilar, таянч ибораларнинг моҳиятини англаган ҳолда мавзуга тааллуқли саволларга жавоб тайёрлайдилар. Зарур ҳолларда (ўзлаштириш қийин бўлса, саволлар пайдо бўлса, адабиётлар йетишмаса, мавзуни тизимли баён ета олмаса ва ҳ.к.) ўқитувчидан маслаҳатлар оладилар.

Мустақил ўзлаштирилган мавзу бўйича тайёрланган матн кафедрада ҳимоя қилинади.

Реферат тайёрлаш.

Талабага қийинчилик даражаси унинг шахсий имкониятлари қобилияти ва билим даражасига мувофиқ бўлган бирор мавзу бўйича реферат тайёрлаш топширилади. Бунда талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар,

интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллар ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йиғади, таҳлил қилади, тизимга солади ва мавзу бўйича имкон даражасида тўлиқ, кенг маълумот беришга ҳаракат қилади. Зурур ҳолларда ўқитувчидан маслаҳат ва кўрсатмалар олади.

Яқунланган реферат кафедрада экспертлар иштирокида ҳимоя қилинади.

Кўргазмали воситалар тайёрлаш.

Талабага муайян мавзунини баён қилиш ва яхшироқ ўзлаштириш учун ёрдам берадиган кўргазмали материаллар (жадваллар, чизмалар, расмлар, хариталар, макетлар, моделлар, графиклар, намуналар, мусикий асар, кичик бадиий асар ва ҳ.к.) тайёрлаш топширилади. Мавзу ўқитувчи томонидан аниқланиб, талабага маълум кўрсатмалар, йўл-йўриқлар берилади. Кўргазмали воситаларнинг миқдори, шакли ва мазмунини талаба томонидан мустақил танланади. Бундай вазифани бир мавзу бўйича бир неча талабага топшириш ҳам мумкин.

Талаба кўргазмали материаллардан фойдаланиш бўйича ёзма равишда тавсиялар тайёрлайди ва кафедрада ҳимоя қилади.

Мавзу бўйича тестлар, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш.

Талабага муайян мавзу бўйича тестлар, қийинчилик даражаси ҳар хил бўлган масалалар ва топшириқлар, мунозарага асос бўладиган саволлар тузиш топширилади.

Бунда ўқитувчи томонидан талабага тестга қўйиладиган талаблар уни тузиш қонун-қоидалар, қандай мақсад кўзда тутилаётганлиги, турли саволлар тузишда мавзунинг мунозарали моментларини қандай қилиш лозимлиги, топшириқларни тузиш усуллари бўйича йўл-йўриқлар берилади.

Консултация пайтларида бажарилган ишларнинг қўйилганлиги ва талабларга жавоб бериш даражаси назорат қилинади (қайта ишланиши, аниқлаштириш ёки тўлдириш таклиф этилиши мумкин).

Илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш.

Талаба бирон бир мавзу бўйича (мавзунинг талабанинг ўзи танлаши ҳам мумкин (рефератив) характерда мақола, тезис ёки маъруза тайёрлаш топшириши мумкин. Бунда талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбалардан мавзуга тегишли материаллар тўплайди, таҳлил қилишга зарурларини ажратиб олиб, тартибга солади, шахсий тажрибаси ва билими, илмий натижаларига асосланган ҳолда қўшимчалар, изоҳлар киритади, ўз нуқтаи-назарини баён этади ва асослайди. Бунда талаба ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлайди.

Тайёрланган мақола, тезис ёки маъруза кафедрада ҳимоя қилинади.

Амалий мазмундаги ностандарт масалалар ечиш ва ижодий ишлаш.

Бир мавзу ёки бўлим бўйича ностандарт, алоҳида ёндашиб қилинадиган, назарий аҳамиятга эга бўлган амалий топшириқларга ёндашиш талаб қилинадиган илмий-ижодий вазифалар, моделлар, намуналар яратиш вазифаси топширилиши мумкин. Амалий топшириқлар масалани ҳал қилишнинг оптимал вариантларини излашга ва ишлашга қаратилган бўлиши керак.

Талабанинг қизиқиш ва қобилиятига қараб, илмий характердаги топшириқлар бериш, ўқитувчи билан ҳамкорлик илмий ишлар тайёрлаш ва чоп этирилиши мумкин.

Талабалар мустақил ишини самарали ташкил этишда:

- тизимли ёндашиш;

- барча босқичларини мувофиқлаштириш ва узвийлаштириш;
- бажарилиши устида қатъий назорат ўрнатиш;
- ташкил этиш ва назорат қилиш механизмларини такомиллашиб бориш зарур;

Мустақил иш топшириқлари муваффақиятли якунлаши учун қуйидаги талаблар бажарилиш лозим:

- мақсад (билимини мустаҳкамлаш янги билимлар ўзлаштириш, фаолликни ошириш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳ.к.) аниқ асосланиши;
- вазифа ва топшириқларнинг аниқ равшан белгиланиши;
- топшириқларни бажариш алгоритми ва методларидан талабаларнинг ётарли даражада ҳабардор бўлиши;
- маслаҳат ва бошқа ёрдам турларининг тўғри белгиланиши (йўлланма ва кўрсатма бериш, мавзунинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириш, муаммоли топшириқларни бажариш усуллари бўйича тушунча бериш, айрим муаммоли моментларни биргаликда ҳал қилиш ва ҳ.к.);
- ҳисобот шакли ва баҳолаш мезонини аниқ белгилаш;
- назорат вақти, шакли ва турларини аниқ белгилаб олиш (амалий семинар, лаборатория машғулоти, консультация учун ёки назорат учун махсус ажратилган вақт, маъруза ё реферат матни, бажарилган топшириқлар дафтари, назорат ишлари, уй вазифаси дафтари, курс ишлари, тест, мақола, ностандарт топшириқлар, саволлар, мақола, кўргазмали жихозлар ва ижодий ишлар, савол-жавоб, бажарилган иш мазмуни ва моҳиятини тушунтириб бериш, ёзма шаклда баён қилиш ва ҳ.к.).

Талабалар мустақил ишини шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

Аудиторияда амалга ошириладиган ТМИлари.

Ўтилган мавзунини қайта ишлаш, кенгайтириш ва мустаҳкамлашга оид топшириқлар бажарилади.

Аудиториядан ташқари амалга ошириладиган ТМИлари.

Ўқув дастуридаги айрим мавзуларни мустақил ҳолда ўзлаштириш, уйга берилган вазифаларни бажариш, амалий ва лаборатория ишларига тайёргарлик кўриб келиш, ижодий ва илмий-тадқиқот характеридаги ишлар ва ҳ.к.

Биринчи тур ишлари талабаларнинг назарий ва амалий билимларини ўзлаштириб бориш даражаси, амалий машғулотларга (амалиёт, лаборатория, семинар дарслари) тайёргарлик савияси ва уй вазифаларининг бажарилиш сифатини текшириш мақсадида, одатда, назорат ишлари олиш, савол-жавоб, суҳбат, мунозара, амалий топшириқларни бажартириб кўриш ва ҳ.к. усулларда асосан амалиёт дарсларида назорат (жорий назорат) қилинади.

Жорий назоратда талабанинг дарс пайтида ўтилган материалларни ўзлаштириш ва уйга берилган топшириқларни бажаришдаги фаоллиги, бажариш савияси ва ўзлаштириш даражаси эътиборга олинади.

Иккинчи тур ишлари фаннинг ишчи ўқув дастурида аудиториядан ташқарида ўзлаштирилиши белгиланган мавзу бўйича маълумот ва ахборотларни мустақил равишда излаб топиш, таҳлил қилиш, конспектлаштириш (ёки реферат тарзида расмийлаштириш) ва ўзлаштириш, ижодий ёндашишни талаб қиладиган амалий топшириқларни бажариш кўринишида амалга оширилади. Бу турдаги ишларни бажариш жараёни ва ўзлаштириш сифатининг назорати дарсдан ташқари пайтларда, махсус белгиланган консультация соатларида амалга оширилади.

Талабалар мустақил ишини баҳолаш.

ТМИ натижалари амалдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом”га асосан баҳолаб борилади.

Мустақил таълим мавзулари, мазмуни ва уларга ажратилган соатлар.

1-МАВЗУ: “ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ОБЪЕКТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг объекти ва предмети. Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаёти ва ундаги ўзгаришлар. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш шарт-шароитлари, омиллари ва амал қилиш қонуниятларини ўрганиш. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг мақсади – ёшларда Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда умумэътироф этилган демократик тамойиллар ва уни амалга ошириш шарт-шароитлари тўғрисида билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш.

Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва амал қилиш қонуниятлари.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришнинг ўзига хос хусусиятлари. Ёшларни демократик давлат ва фуқаролик жамияти тўғрисидаги ғоялар, қарашлар, назария ва таълимотлар билан таништиришнинг аҳамияти.

Фаннинг асосий тушунчалари ва унинг қонуниятлари. Демократик жамиятга доир бўлган умумий тушунчалар. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанини билан бевосита боғлиқ тушунчалар. “Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос мустақил тараққиёт йўли”, “демократия”, “ҳуқуқий давлат”, “фуқаролик жамияти”, “демократик жамият”, “демократик онг”, “демократик тафаккур”, “демократик жамиятнинг миллий-маънавий негизлари”, “миллий давлатчилик”, “демократик жамиятга ўтиш даври” ва “Ўзбек модели”, “демократик

жамиятнинг умумбашарий қадриятлари ва тамойиллари”, “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишининг устувор йўналишлари”.

Демократик жамият қуришнинг умумжаҳон эътироф этган қонуниятлари ва унинг Ўзбекистонда ўзига хос тараққиёт йўлининг мавжудлиги, Ўзбекистонда демократик жамият қуришда миллий-маданий меросга таяниш. Миллий давлатчилик негизларини ҳисобга олиш. Унинг амалий жиҳатлари. Мамлакатимизда демократик жамиятни барпо этишда сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанини ўрганишнинг аҳамияти.

2-МАВЗУ: ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ ДАСТЛАБКИ ҚАРАШЛАР ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ўзбекистон заминида демократия ва адолатли жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар. Унинг манбалари ва ривожланиши. «Авесто»да эзгулик, инсоний ва адолатли жамият бошқарувига доир қарашлар.

Ўзбекистон ҳудудида миллий давлатчилик негизлари. Ҳокимлик институтининг вужудга келиши. IX-XII асрларда Ўрта Осиё мутафаккирларининг қарашларида давлатни бошқариш ва адолатли жамиятга доир ғоялар. Амир Темурнинг давлат ва жамият ишларини ташкил этиш тузуклари. Унинг адолатли салтанат ва жамият бошқарувида қонун устуворлигига доир қарашлари. Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва бошқаларнинг адолатли давлат, одил жамият, инсон эркинлиги, эзгулик, маърифат тўғрисидаги ғоялари.

XV-XIX асрларда давлат ва жамият қурилишининг ижтимоий-сиёсий ҳолати. Миллий давлатчилик негизларидан маҳрум бўлиш сабаблари ва унинг оқибатлари. Уни тиклашга бўлган уринишлар. Жадидларнинг миллий

давлатчилик ва адолатли жамият курилишига доир маърифатпарварлик ғоялари.

Собик шўролар даврида Ўзбекистонда давлат ва жамият курилишининг ўзига хос хусусиятлари. Ягона партия ва давлат манфаатларининг устуворлиги. Марказлашган маъмурий бошқарув. Демократияни синфий тушуниш. Тоталитаризм ва унинг оқибатлари. Унинг демократик жамиятга зидлиги.

Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Миллий мустақиллик ва демократик ўзгаришлар сари йўл тутилиши. Ўзбекистонда президентлик институтининг жорий этилиши. Мустақиллик декларацияси билан боғлиқ ғоялар ва қарашлар. Ислom Каримов — янги, мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти. Ўзбекистонда демократик жамият куришнинг назарий-методологик асослари ишлаб чиқилишининг аҳамияти.

3-МАВЗУ: МУСТАҚИЛЛИК ВА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ “ЎЗБЕК МОДЕЛИ”

Демократик жамият куришнинг турли хил миллий моделларининг мавжудлиги. Ўзбекистонда демократик жамият куришнинг ўзига хос хусусиятлари ва “ўзбек модели”. Унинг моҳиятан ўзарo муштараклиги. Ислom Каримов томонидан бозор иқтисодиётига ўтиш ва “Ўзбек модели”да демократик жамият куришга доир тамойилларнинг асосланиши. Иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги. Давлат бош ислохотчи. Қонун устуворлиги. Кучли ижтимоий ҳимоя. Босқичма-босқич ривожланиш.

“Дунёвий давлат” ва “миллий давлатчилик” тушунчалари. “Ўзбек модели”нинг жамият ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт соҳаларида намоён бўлиши. Унинг Ўзбекистонда демократик жамият куриш хусусиятларига мослиги. Ўзбекистонда демократик жамият куриш жараёнларида инсон эркинлиги, ҳуқуқлари ва манфаатларининг устуворлиги. “Ўзбек модели”ни ҳалқарo жамоатчилик томонидан эътироф этилиши ва унинг аҳамияти. Демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Очiq демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”нинг демократик ўзгаришларни янада бойитишдаги аҳамияти.

4-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШДА ЎТИШ ДАВРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

“Ўтиш даври” тушунчаси. Мустақилликни қўлга киритган барча мамлакатлар учун унинг зарурлиги ва моҳияти, умумий қонуниятлари. Унинг ҳар бир давлат учун хос бўлган хусусиятларининг мавжудлиги. Ўтиш даврининг: “классик”, “инқилобий”, “эволюцион” йўллари. Демократик жамият қуришда ўтиш даврини “анъанавий” ва “инқилобий” тушунишнинг чекланганлиги. Ўзбекистонда “ўтиш даври”га ёндашишнинг ўзига хос жиҳатлари. Эволюцион, тадрижий ривожланиш йўлининг моҳияти. Унда ҳар бир мамлакат ва халқларнинг ўзига хос менталитети, турмуш тарзини ҳисобга олиш зарурлиги. Демократик жамият қуриш вазифаларининг босқичма-босқич амалга оширилиши.

Ислом Каримов томонидан демократик жамиятга ўтишга доир назарий ва концептуал асосларининг ишлаб чиқилиши. Ислом Каримов ўтиш даври ва тараққиёт босқичлари тўғрисида. Ўзбекистоннинг тоталитар режим ва мустамлака мамлакатдан демократик жамиятга ўтишда ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятлари, урф-одат, анъана ва қадриятларига таяниши. Ўтиш даврида эришилган ютуқлар ва афзалликларининг жамиятимиз ҳаётида кўринишлари. Ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ ислоҳот ва ўзгаришлар. Маъмурий ислоҳотлар амалга оширилиши. Марказлашган режалаштириш ва тақсимлаш тизимини тугатилиши. Миллий давлатчилик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти негизларининг тикланиши. Мустақил тараққиёт босқичлари. Фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш. Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётни, қонунчилик, суд-

ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилиниши. Ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларни таъминланиши. Демократик сайлов тизимининг шакллантирилиши. Фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши ва унинг аҳамияти

5-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Демократик жамиятнинг миллий ва умумбашарий тамойиллари. Демократия – миллий ва умуминсоний қадрият эканлиги. Қадрият тушунчаси ва унинг моҳияти. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов Ўзбекистонда демократик жамият қуришда миллий ва умумбашарий тамойилларга таяниш тўғрисида.

Миллий маданий мерос ва қадриятларнинг демократик жамият қуришда ақс этиши. Унинг тарихийлиги ва замонавийлиги. Демократик жамият барпо этишда миллий қадриятларни тиклашга бўлган зарурат. Демократияни миллий манфаатларга зид “зўрма-зўракилик” билан жорий қилиб бўлмаслиги. Миллий қадриятлар ва демократик тамойиллар ўртасида мутаносибликка эришишнинг жаҳон тажрибаси.

Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда миллий ва умумбашарий қадриятларнинг уйғунлашуви. Демократик тамойилларга амал қилиш шарт-шароитлари. Қонун устуворлиги. Демократия ва шахс эркинлиги. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги олий демократик қадрият эканлиги. Демократик тараққиётнинг хилма-хиллиги. Дунёда турли халқлар, турли маданиятлар бор жойда демократия ўзига хос миллий хусусиятларга, қадриятларга таянса, ўзининг амалий самарасини бериши мумкинлиги. Унинг маҳаллий, миллий, минтақавий ва умуминсоний

кадриятларда намоён бўлиши. Терроризмнинг демократик жамият қуришга қарши қаратилган хавф-хатар эканлиги. Мустақиллик ва Ўзбекистон жамияти маънавий негизларининг ўзгариши. “Маънавий тикланиш” ва “маънавий янгиланиш” тушунчалари. Уларнинг зарурлиги. Уларга янгича муносабат. Мустақиллик ва демократик жамият қуришда миллий-маънавий мероснинг янгича маъно ва мазмун касб этиши.

“Миллий-маънавий меърос” тушунчаси. Унинг мазмун ва моҳияти. Миллий-маънавий негизларга таяниш ва уларни тиклашга бўлган заруратнинг сабаблари. Демократик жамият қуришда халқимизнинг кўп асрлик давлатчилик ва жамият қуришдаги анъаналарининг ҳисобга олиниши.

Агрессив миллатчилик, миллий айирмачилик, буюк давлатчилик шовинизми, экстремизм ва терроризмнинг демократия ва миллий-маънавий негизларга зидлиги. Маънавият ва илм-маърифатнинг бош мезони — инсонийлик, унинг асосий мақсади — Ватанга садоқат билан хизмат қилиш. Миллий маънавий негизларнинг демократик жамият, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдаги ўрни. Демократия, миллий-маънавий тикланиш ва барқарорлик.

Маънавий тикланиш ва янгиланишнинг демократик жамият қурилишидаги аҳамияти. Баркамол шахс – барқарор тараққиёт ва демократик жамият мезони.

Миллий-маънавий ўзгаришларнинг давлат ва жамият қурилишида акс этиши. Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг маънавий янгиланиш билан боғлиқлиги. Унинг демократик жамият қуришдаги аҳамияти ва истиқболлари.

Ўзбекистонда адолатли, демократик жамият барпо этишда миллий кадриятлар ва умуминсоний демократик тамойиллар билан уйғунлаштирилишининг аҳамияти. Жамият ҳаётини демократик янгиланишда миллий хусусиятларни ҳисобга олиш. Мустақил Ўзбекистон давлат сиёсатининг инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланиши.

6-МАВЗУ: ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШНИНГ АСОСИ

Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришда қонун устуворлиги тамойилининг мустаҳкамланиши. “Қонун устуворлиги” тушунчаси. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойили. Президентлик институти. Қонун чиқарувчи. Қонунчилик палатаси ва Сенат. Вазирлар Маҳкамаси. Ижро этувчи ва суд ҳокимияти. Суд мустақиллиги. Давлат органларининг ваколатлари.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши. Давлат ҳокимияти органлари мустақиллигининг амал қилиши ва масъулияти.

Конституция ва қонунларда адолат ҳамда инсон манфаатларининг устуворлиги. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг Конституция ва қонунларга амал қилишининг умумий тамойил эканлиги.

Конституцияга ва демократияга зид бўлган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бекор қилиниши лозимлиги тамойили. Қонун устуворлиги тамойилининг Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамияти қуришдаги аҳамияти. Ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш. Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири - қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш зарурияти. Қонун устуворлигини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиши. Фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортиши. Демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базасининг яратилиши. Бозор иқтисодиёти асосларининг қонунчилик базасини шакллантирилиши.

7-МАВЗУ: ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш тушунчаси, маъно-мазмуни. Ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципи. Ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш. Суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш.

Бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, икки палатали миллий парламентнинг вужудга келиши. «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларнинг мазмун-моҳияти. Кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши. Давлат ҳокимиятининг учта субъекти ўртасидаги ваколатларнинг мутаносиб тақсимланишининг таъминлаши. Сайловларда ютуб чиққан сиёсий партиянинг Бош вазир номзодининг кўрсатиши ва унинг парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши. Сиёсий тизимни модернизация қилишни такомиллаштириш жараёни. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш бўйича амалга оширилган конституциявий ўзгаришлар ва унинг аҳамияти.

8-МАВЗУ: ФУҚАРО ЭРКИНЛИГИ, ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

“Фуқаро эркинлиги ва фаоллиги” тушунчаси. Унинг ижтимоий-сиёсий тафаккур тарихидаги талқинлари. Абу Наср Форобий комил инсон ва фозил жамоа тўғрисида.

Инсон фаоллигининг асосий мезонлари. Инсон салоҳияти демократик ўзгаришларнинг энг фаол ва бунёдкор омили эканлиги. Инсон ва жамият.

Ҳозирги давр демократик кадриятлар тизимида инсон, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатлари.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов демократик жамият қуришда инсон ва шахс эркинлиги, фаоллигини юксалтириш концепцияси. Ўзбекистонда инсон фаоллигини ошириш демократик жамият қуришнинг асосий омили эканлиги. Фуқаролар фаоллиги ва масъулиятини оширишнинг барқарор жамият ва фаровон ҳаёт барпо этишдаги ўрни. Фуқаролар эркинлиги ва фаоллигини таъминлаш – демократик жамият қуришнинг бош мақсади. Ёшларнинг демократик жамият қуришда иштироки, уларнинг фаоллигини ошириш йўллари ва омиллари.

Демократия – фуқаролар ижтимоий фаоллигини ошириш, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишнинг зарурий шарти. Инсоннинг сиёсий ижтимоийлашуви ва фаоллашув жараёнлари. Ўзбекистонда демократик жамиятни шакллантиришда фуқароларнинг қонун ва қарорлар қабул қилишдаги фаол иштироки. Унинг фуқаро эркинлиги ва фаоллигини оширишдаги аҳамияти. Халқ фикри – олий мезон эканлиги. Очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий кадрият сифатида. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш. Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти.

9-МАВЗУ: ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ

Демократик жамиятда “иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш” тушунчаси ва мазмуни. Тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тизими иқтисодиётидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш – демократик жамият

қуришнинг асосий шарты эканлиги. Эркин бозор иқтисодиёти ва демократик жамият тамойилларининг ўзаро боғлиқлиги.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат бошқарув ваколатларини чеклаш ва номарказлаштириш. Сиёсий ислохотларни такомиллаштириш ва иқтисодий тараққиёт. Ислом Каримовнинг маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги тўғрисидаги концепцияси.

Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг ижтимоий-иқтисодий негизи. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари. Хусусий мулк ва мулкдор. Истеъмолчилар ҳуқуқлари ва танлаш эркинлигининг устунлиги. Тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги. Рақобатнинг демократик жамият барпо этишдаги ўрни.

Ўзбекистонда иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш босқичлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш.

Бозор инфратузилмасини ривожлантириш. Хусусий сектор миқёсларини кенгайтириш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш. Тадбиркорлик тизимида оилавий бизнеснинг ўрни. Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта бозори. Ўрта мулкдорлар қатламини ривожлантириш. Тадбиркорлик ва иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш – демократик жамият барқарор ривожининг зарурий шарты.

Иқтисодиётни янада либераллаштириш ва модернизация қилиш. Хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш. Мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари таъминланлашни такомиллаштириш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш. Бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг қонунчилик базасини шакллантириш. «Кредит бюрolari фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида», «Гаров реестри тўғрисида», «Риэлторлик фаолияти тўғрисида», «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида», «Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш

тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиниши. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини юмшатишга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастури мазмун-моҳияти. Иқтисодиётда юзага келаётган муаммоларнинг олдини олиш демократик жамият қуришнинг шарти эканлиги.

10-МАВЗУ: ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШДА КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўзбекистонда демократик жамият қуришда “кучли ижтимоий ҳимоя” ва “ижтимоий адолат тамойиллари” тушунчалари. Уларнинг мазмун ва моҳияти. “Адолат” ва “тенглик”нинг умуминсоний демократик қадриятлар эканлиги. Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий адолат ва ҳимоя ҳақидаги ғоялари ва қарашлари.

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар. Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимояни жамиятда тартиб, уйғунлик ва барқарор тараққиётини таъминлаш омили сифатида қаралишининг асослари.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш тўғрисидаги концепцияси. Ижтимоий ҳимоя ғоясининг адолат ва либерал демократия ғоялари билан боғлиқлиги. Ҳимояга муҳтож социал гуруҳларнинг ижтимоий ҳолати. Ижтимоий адолат ва бозор муносабатлари.

Демократик жамиятда адолат ва ижтимоий ҳимоянинг муштараклиги. Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати: унинг мақсади, босқичлари, хусусиятлари, ривожланиши.

Демократик жамиятда турли қатламлар, гуруҳлар манфаатларини уйғунлаштиришда ижтимоий адолат мезонлари ва ижтимоий ҳимояни амалга оширишнинг барқарор тараққиётни таъминлашдаги аҳамияти.

Демократик жамиятда оила институтининг ўзига хослиги. Оилада демократик онг, тафаккур ва ҳаётнинг дастлабки шакллариининг қарор

топиши. Оиланинг ҳуқуқий демократик асослари. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг ўсиб бориши. Соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурларини амалга оширилиши демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги аҳамияти.

11-МАВЗУ: МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ИНСТИТУТЛАРИНИ ДЕМОКРАТИЯЛАШУВИ

Ўзбекистонда демократик жамият куришда маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни. Маҳаллий давлат ҳокимиятининг асослари. Мамлакатимизда маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг шакллари. Уларнинг фуқаролик жамияти куришдаги роли. Маҳалла – фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш негизи сифатида.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик тамойиллар асосидаги ўзини-ўзи бошқариш тизимининг тикланиши ва ривожланиши. Бошқарувни номарказлаштиришни такомиллашуви. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва уларни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисида. Маҳалланинг фуқароларни демократик қарорлар қабул қилишда иштирокини таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги ўрни. Маҳаллий давлат ҳокимияти айрим ваколатларини ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиб бориш жараёни. Унинг демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги аҳамияти.

Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинишининг

аҳамияти. Маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратиш демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги аҳамияти.

12-МАВЗУ: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

Фуқаролик жамиятини қуриш Ўзбекистоннинг пировард стратегик мақсади. Фуқаролик жамияти институтлари тушунчаси, унинг тузилиши ва таркиби. “Нодавлат нотижорат” ва “жамоат бирлашмалари” тушунчалари. Уларнинг маъно ва мазмуни. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни. Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

Кўппартиявийлик – демократик жамият барпо этишнинг муҳим шарти. Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, Ўзбекистон Миллий Тикланиш демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси. Ўзбекистонда “Кучли давлатдан кучли жамият сари” концепциясининг амалга оширилиши фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти. Мамлакатимизда халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти.

Фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назорати ролини ошиб бориши. Мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик

институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтирилиши. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишни такомиллаштиришнинг фуқаролик жамияти қуришдаги аҳамияти.

13-МАВЗУ: АХБОРОТ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ, АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ахборот эркинлигини таъминлаш тушунчаси, мазмун-моҳияти. Оммавий ахборот воситаларининг тўртинчи ҳокимият сифатида давлат ҳокимиятидаги ўрни. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш. Оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базасини такомиллаштириш зарурияти.

Ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш. Оммавий ахборот воситалари соҳасидаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш. Нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирокини таъминлашнинг зарурияти. Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди фаолиятини такомиллаштириш.

Ахборот ресурсларидан фойдаланиш механизмларини ривожлантириш. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш. Ахборот коммуникациялари соҳасини ривожлантириш. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлашда муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш. Оммавий ахборот

воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтириш. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш. Оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш.

14-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИДА ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРГА АСОСЛАНИШИ

Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Ўзбекистоннинг Халқаро ҳамжамиятга қўшилишидаги демократик тамойиллари концепцияси. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти муносабатларининг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, илмий асослари.

Жаҳон ҳамжамияти ва демократик жараёнлар. БМТ ва Ўзбекистон Республикаси. Ўзбекистон - АҚШ стратегик ҳамкорлиги. Ўзбекистоннинг Европа, Осиё давлатлари билан ҳамкорлиги. Халқаро ташкилотлар билан алоқаларда демократик институтларни ривожланиши. МДҲ давлатларидаги демократик ислохотларнинг ривожланиш жараёни. Ўзбекистон-Россия муносабатлари. Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги ўрни. Халқаро терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашида ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти. Марказий Осиёдаги демократик жараёнлар ва давлатлараро ҳамкорлик. Марказий Осиё давлатлари ҳамжиҳатлигини ривожлантириш заруриятини кўчайиши. Демократиянинг умуминсоний тамойилларини ривожлантиришда давлатлараро ҳамкорлик. Фуқаролик жамияти асосларини ривожлантиришда ҳамкорлик. Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги тизимида миллий манфаатларнинг устуворлиги. Халқаро терроризмнинг демократияга, жаҳон ҳамжамияти ҳамкорлигига таҳдид солувчи куч эканлиги. Уни бартараф этишда жаҳон

ҳамжамияти ҳамкорлигинининг ўрни. Мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг ривожланиши ва истиқболлари. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви. Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистон мавқеининг ошиб бориши.

**Мустақил таълим учун ўқув-услубий адабиётлар ва электрон
таълим ресурслари рўйхати.**

Рахбарий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясидаги нутқи. // Халқ сўзи. – 2018. -28 март.
3. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2017.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. - Т.: <http://www.president.uz/uz/lists/view/1063> , 2017.
5. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2017.
6. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. - Т.: Ўзбекистон, 2017.
7. Мирзиёев Ш. М. Қонун устунлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Т.: Ўзбекистон, 2016.
8. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. - Т.: Ўзбекистон, 2015.
9. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва

Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма йиғилишидаги маъруза // Халқ сўзи. – 2010. -13 ноябрь.

10. Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулдирмиз. Т. 9. Т.: “Ўзбекистон”.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Қирғизбоев М. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, Ўқув қўлланма. Т.: Наврўз нашриёти, 2014.
2. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланма. Т.: Янги аср авлоди. 2013.
3. Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Т.: Шарқ, 2011.
4. Одилқориев Х., Раззоқов Д. Сиёсатшунослик. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2009.

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2017. -8 февраль
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига шарҳ // Халқ сўзи, 2017. -8 февраль.
4. Холбоев С. Миллий мустақиллик ва тараққиётнинг ўзбек модели. Монография. - Т.:Ўзбекистон, 2015.
5. Нажимов М. Ўтиш давридаги кучли давлатнинг функциялари ва хусусиятлари. –Т.: Фуқаролик жамияти журнали. 2015. №3(43).
6. Алимарданов Т. Эркинлик руҳи. Монография. - Т.:Нишон-Ношир, 2014.

7. Муминов А. Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. Монография. - Т.: Turon zamin ziyo, 2013.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. – Т.: Ўзбекистон, 2013.
9. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни // Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами. 2013, 17 (569)-сон.
10. Исломов З., Аббосхўжаев С. Конституция – ҳуқуқ устунлиги асоси. Китоб, ижтимоий-сиёсий нашр. - Т.: Ўзбекистон, 2012.
11. Эркаев А. Ўзбекистон йўли. Рисола. - Т.: Маънавият, 2011.
12. Одиқориев Х., Якубов Ш. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадриятлар. Монография. - Т.: SMI-ASIA, 2010.
13. Утемуратов М. Хасанов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, ўқув-услубий мажмуа - Т.: ТАҚИ, 2017.
14. Сабуров Н. Шахс сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили. Монография. –Т.: ТДЮИ, 2009.
15. Маликова Г.Р., Исмоилова Г.С. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига шарҳ. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

Электрон таълим ресурслари

- | | |
|--|---|
| 1. http://www.lex.uz | 8. http://www.XS . |
| 2. http://www.president.uz | 9. http://www.ziynet.uz |
| 3. http://www.parlament.gov.uz | 10. http://www.natlib.uz |
| 4. http://www.senat.gov.uz | 11. http://www.infomicer.net |
| 5. http://www.gov.uz | 12. http://www.strategy.uz |
| 6. http://www.e-sud.uz | 13. http://www.minjust.uz |
| 7. http://www.uza.uz | 14. http://mahallagzt.uz/ |

**“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”
фани бўйича бажарилган мустақил таълимга ажратилган соат.**

	Мустақил иш мавзулар	
1.	Ўзбекистонда сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларнинг вужудга келиши ва уларнинг дастурларида инсонпарварлик, миллий қадр– қиммат ғояларининг вужудга келиши.	2
2.	Ўзбекистонда миллий онгнинг ўсиб бориши, ўзек тилига давлат тили мақомини берилиши, мустақиллик йўлидаги дастлабки қадамлар.	2
3.	Ўзбекистонда парламентаризмнинг ривожланиши.	2
4.	Суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш масалалари.	2
5.	Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари.	2
6.	Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши	2
7.	Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиёт йўлида.	2
8.	Демократия – Ўзбекистон тараққиётнинг бош йўли.	4
9.	Ўзбекистон давлат рамзларининг ишлаб чиқирилиши ва қабул қилилиши.	2
10.	Ўзбекистон Республикасининг янги конституцияси.	2
11.	Ўзбекистонда Президентлик бошқарувининг жорий этилиши ва унинг сиёсий аҳамияти.	2
12.	Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари.	2
13.	Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши функциялари ва фаолияти.	2
14.	Демократик жамият тушунчаси. Демократиянинг халқаро	2

	миқёсида эътироф этилган тамойиллари.	
15.	Ўзбекистонда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари ва уларнинг кафолатлари.	2
16.	Ўзбекистонда миллатлар ўртасида тотувликнинг таъминланиши.	2
17.	Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётининг ўтиш зарурияти, мақсадлари, шарт-шароитлари.	2
18.	Республикада бозор муносабатларини шакллантиришни босқичма-босқич амалга ошириш.	2
19.	Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришда давлатнинг роли.	2
20.	Ўзбекистонда Миллий истиклол мафкурасининг яратилиши ва унинг демократик жамият қуришдаги аҳамияти.	2
21.	Маънавий меросни тиклаш маънавий камолотнинг муҳим омили.	2
22.	Демократик жамиятда фан тараққиётининг ўзига хос тамойиллари.	4
23.	Диний фундаментализм маънавий камолотнинг кушандасидир.	2
24.	Ўзбекистоннинг мустақил ташқи сиёсат асосларининг ишлаб чиқилиши ва унинг тамойиллари.	2
25.	Ўзбекистон Республикасининг мудофаа доктринаси.	2
26.	Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва халқаро нуфузининг ортиши.	2
ЖАМИ:		56

“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”

фанидан мустақил таълимни бажариш бўйича

муаммоли вазият ва кейслар

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанини ўқитиш жараёнида инновациялар ва илғор хорижий тажрибаларни қўллаш бугунги куннинг долзарб масаларидан бири ҳисобланади.

“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанини ўқитишда бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатларда қўйидаги инновациялар ва таълим технологиялари қўлланилмоқда.

Самарали ўқитиш технологиялари:

- * муаммоли ўқитиш;
- * танқидий (таҳлилий) фикрлашни ривожлантирувчи технологиялар;
- * ривожлантирувчи таълим технологиялар;
- * модулли технологиялар;
- * ҳамкорлик технологиялари;
- * ўқитишнинг табақалаштирилган ва индивидуал технологияси;

Инновацион технологиялар талабаларнинг фаол ҳаётий муносабатларини шакллантиришга қаратилган. Уларга ўқув жараёнидаги янги шаклдаги интерактив усуллар киради.

“Домино”методи – таълим олувчиларни фаоллаштиришга, мустақил фикрлашга ҳамда ўз фикрини бошқаларга етказиб бериш ва ўз нуқтаи назарларини асослашга қаратилган. Ушбу методдан ўтилган мавзунини такрорлаш ёки бир боб ўтилиб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин.

Методнинг мавзуга қўлланилиши: кичик гуруҳларни рақамли карточкалар ёрдамида кичик гуруҳларга ажратиш. Домино методини қўллаш тартиби билан таништириш. Методдан асосий мақсад қайси гуруҳ вазифани тез ва тўғри бажариш. Кичик гуруҳларга берилган доминолардаги барча

савол ва жавоблар бир хил. Кичик гуруҳларда доминони тарқатиш ва вақтни белгилаш. Белгиланган вақт ичида гуруҳлар доминони йиғиб бўлишлари керак. Вазифани бажариб бўлгандан кейин хатолар устида ишлаш. Гуруҳ иштирокчиларни бажарган вазифага қараб баҳолаш.

“Домино” методининг афзаллиги:

- бутун ўтилган мавзунини еслаш имконияти мавжуд;
- кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида ҳар бир гуруҳ аъзосининг гуруҳ билан ишлаш ҳамжиҳатлигининг мустаҳкамланиши;
- таълим олувчилар фаоллигига еришилиши;
- бир-бирини ешитиш қобилияти ривожланади.

“Домино” методнинг камчилиги:

- вақт кўп талаб этилиши;
- шовқин сурон бўлиши;
- нотўғри жавоблар билан доминони ёпиб қўйиши мумкин.

“Беш дақиқали эссе” методи.

Ёзма топшириқнинг ушбу тури талабаларнинг мавзуга доир ўз мустақил фикрларини ифодалай олишга ёрдам бериш ва ўқитувчига ўз талабалари ўқув материални билан танишганда қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор беришлари хусусида фикрлаш имконини беради. Аниқ қилиб айтганда, талабалардан қуйидаги икки топшириқни бажариш: мазкур мавзу бўйича улар нималарни ўрганганликларини мустақил баён этиш ва улар бари бир жавобини ололмаган битта савол беришни сўралади.

Методнинг мавзуга қўлланилиши:

Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш ва ўтилган мавзуни талабалар қай даражада ўзлаштирганликларини қоғозга тушуриш ҳамда шу ўтилган мавзу бўйича савол ёзиб бериш талаб этилади.

Ҳар бир талаба ўзларининг дафтарларига “Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти” фани бўйича ўрганган материал мазмунини қисқача ёзиб чиқади ва шу мавзу бўйича тушунмаган ёки ўзлаштира олмаган масала юзасидан битта савол ёзади. Бу вазифаларни бажариш учун ўқитувчи томонидан беш дақиқа вақт берилади.

Ҳамма талаба ёзиб бўлганидан кейин ҳар битта талаба бажарган вазифани ўқиб беради ва биттадан ёзилган саволларни ўқийди? Берилган саволга олдин талабалар жавоб беради, кейин эса ўқитувчи томонидан тўлдирилади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Тушунчалар таҳлили методи – янги мавзуни ўтишдан олдин таълим олувчиларнинг бирламчи билимларини аниқлаш ва фаоллаштириш мақсадида, ёки асосий қисмдан кейин ўтилган мавзуни қай даражада ўзлаштирилганини аниқлаш мақсадида ишлатилади.

Методнинг амалга ошириши: Таълим олувчиларга карточкалар тарқатилади. Карточканинг бир томонида ўрганилиши лозим бўлган тушунчалар ва иккинчи томонида тушунчалар мазмуни. Ушбу методдан яқка тартибда, кичик гуруҳларда амалга ошириш мумкин.

Вазифанинг бажарилиши: берилган карточкалардаги тушунчаларнинг мазмунини таълим олувчилар тўлдириб чиқади ва таълим берувчи тўғри жавоби билан солиштирилади. Нечта тўғри жавоб берилганига қараб вазифалар баҳоланилади.

Мазкур метод қўлланилганда таълим олувчиларнинг фаоллиги ошади, мавзуга бўлган қизиқиши юқори даражада бўлади ҳамда ўз билимларини баҳолаш имконияти бўлади.

“Тушунчалар таҳлили” методининг афзаллиги:

- ✓ таълим олувчиларнинг фаоллигини оширади;
- ✓ таълим олувчиларнинг бирламчи билимларини аниқлаш имконияти борлиги;
- ✓ фикрларини ёзма баён этиш кўникмаси ошади;
- ✓ ўз фикрларини ривожлантиришни ўрганади.
- ✓ Ўз-ўзини баҳолаш ўсади.

“Тушунчалар таҳлили ” методининг камчилиги:

- ✓ фикрларини ёзма баён эта олмасликлари мумкин;
- ✓ вақт кўп талаб этилиши;
- ✓ вазифаларни жавобларини текширишда қийинчиликлар мавжудлиги.

Тушунчалар таҳлили методининг мавзуга қўлланилиши

№	Тушунчалар	Тушунчалар мазмуни	Изоҳ
1	Модел		
2	Осиё тараққиёт модели		
3	Европа модели		
4	Африка модели		
5	Америка модели		
6	Ўзбек модели		
7	Турк модели		
8	Швед модели		

Тўғри жавоблар та бўлса – «аъло»

Тўғри жавоблар та бўлса – «яхши»

Тўғри жавоблар та бўлса – «қониқарли»

Тўғри жавоблар та бўлса – «қониқарсиз»

“ЧАРХПАЛАК” методи

Метод ўқувчиларда ўрганилган мавзуларни ёдга олиш, улар юзасидан мантикий фикрлаш, саволларга мустақил, тўғри жавоб бериш, ўз-ўзини баҳолаш малакаларини шакллантириш, ўқитувчи томонидан қисқа вақтда ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш имкониятини яратади. Унинг мақсади ўқувчиларда мантикий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил, эркин баён қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, индивидуал, жуфтлик, гуруҳ ва жамоада ишлаш, бошқалар фикрини ҳурмат қилиш, мавжуд фикрлар орасидан муҳимини танлаб олиш кўникма, малакаларини ривожлантиришдан иборат.

Машғулотларда методни қўллаш тартиби қуйидагича:

Ўқитувчи ўқувчиларни методни қўллаш тартиби билан таништириб, уларни гуруҳларга ажратади.

Гуруҳларга тарқатмали материаллар ва улар асосида топшириқлар берилади. Топшириқни бажариш учун вақт ҳажми (10-15 дақиқа) белгиланади. Аъзолар гуруҳ таркибида индивидуал равишда тарқатмали материалда кўрсатилган вазифани бажаради.

Бажарилган ишнинг ўнг бурчагига гуруҳнинг рақами, чап бурчагига еса ўзига тегишли бўлган бирор белгини қўяди.

Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, тарқатмали материаллар бошқа гуруҳлар билан “Чархпалак айланмаси” йўналишида алмаштирилади.

Ҳар бир гуруҳ томонидан янги материал мазмуни ўрганилади ва ўзгартирилади.

Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, тарқатмали материаллар яна бир бор бошқа гуруҳлар билан “Чархпалак айланмаси” йўналишида алмаштирилади. Гуруҳлар ўртасида материалларнинг ўзаро алмаштириш уларнинг сонига кўра такрорланади.

Гуруҳлар уларнинг ҳар бир аъзоси ўз ечимларини битта қутига йиғади. Материаллар сўнгги бор алмаштирилгандан кейин ҳар бир гуруҳ (ҳар бир

ўқувчи) ўзи бажарган ечимни гуруҳ рақами ва ўзига тегишли белги асосида танлаб олади.


Ҳар бир гуруҳ ва унинг аъзолари ўзларининг ечимларини бошқа гуруҳларнинг ишлари билан таққослаб, таҳлил қилади. Ўқитувчи жамоа ёрдамида тўғри жавобларни аниқлайди. Таҳлил асосида ҳар бир гуруҳ ва ўқувчиларнинг фаолияти баҳоланади. Бир вақтнинг ўзида ўқувчилар ҳам ўз-ўзини баҳолайди.

Методдан барча турдаги ўқув машғулотларида, машғулотнинг боши ёки охирида, муайян бўлим (боб) якунида, ўтилган мавзунинг такрорлаш чоғида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга метод ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш, ўрганилган мавзуларнинг ўқувчилар томонидан қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш ва баҳолашда ҳам самарали саналади

“ЧАРХПАЛАК” МЕТОДИ

№	Тушунчалар	Қонун	Мантиқ	Тушунчалар
1.	Мустақиллик			
2.	Демократия			
3.	Демократик жамият			
4.	Тараққиёт модели			
5.	Глобал моделлар			
6.	Миллий модел			
7.	Ўзбек модели			
8.	Демократиянинг универсал модели			
9.	Демократия экспорти			

КЛАСТЕР



БЛИЦ САВОЛЛАР

1. Бугунги кунга келиб дунёнинг 160 дан ортиқ давлатларида демократик тузумлар умумбашарий ва миллий қадрият сифатида барпо қилинганлиги эътироф этилмоқда.

А. Маълумки ҳозирги даврга келиб, демократия инсоният ҳаёт тарзининг энг мақбул ривожланиш йўли эканини деярли барча эътироф этаётганлиги ва унинг жаҳоний кўлам касб қилаётганлиги демократияни фан сифатида ўрганишни тақозо этаётган сабаблардан биридир

В. Айтингчи, «Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамият жаҳондаги демократия билан ҳамоҳангми?

- Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамият - унинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
- Ўзбек моделининг тамойиллари.
- Ўзбек моделининг бош мақсади.

“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”

фанидан кейслар

1-КЕЙС. Ўтган замонда “жаҳон социалистик тизимига” кирган мамлакатлар тажрибаси маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг учта асосий йўлини намоён етди: биринчи – бозор институтларини аста-секин шакллантирадиган эволюцион йўл; иккинчиси – “шок терапияси”, учинчиси – инқилобий йўл.

Сизнингча қайси йўл Ўзбекистонда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг таракқиёт йўналишларига тўғри келади?

1-муаммоли масала

1-мисол. Ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш. Бизда ушбу сиёсатни амалга оширишда «Янги уй қурмай туриб, ескисини бузма» деган қоидага амал қилинади. Сиз буни тўғри деб ҳисоблайсизми?

2-мисол. Жамиятни демократлаштириш шароитида овозларнинг хилма-хиллиги, барча овозларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги, ҳамманинг ўз хоҳиш-иродасини эркин намоён эта олишига имконият яратилиши зарур.

3-мисол. Глобаллашув шароитида ахборотлар қўламининг кенгайиб бориши, мавжуд ахборотлардан тўғри ва оқилона фойдалана олишни шарт қилиб қўяди. Бундан ташқари маданиятларнинг интеграциялашуви ёшларни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

4-мисол. Аҳоли сонининг жадаллик билан ошиб бориши, ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш, индустриал жамиятдан постиндустриал жамиятга ўтишни талаб этади. Ўз навбатида урбанизация жараёни талаб ва таклиф жараёнларининг интенсивлашувига олиб келади.

Сизнингча, мазкур мисолларда баён етилганлар жамиятдаги қайси жараёнларга тегишли? Ўз фикрингизни асосланг.

2-муаммоли савол

Сиз Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълимнинг объекти ва субъекти сифатида намоён бўласиз. Сиз ўзингизни таълим объекти сифатида қандай тасаввур этасиз? Таълим субъекти сифатида-чи?

3-муаммоли вазият

Тасаввур қилинг: икки ўспирин сайлов жараёнида қатнашиши керак эди. Бироқ улар сайловда иштирок этишмади. Улардан бири сайловда иштирок этиши фуқаролик бурчи эканлигини англамаган ҳолатда, иккинчиси ўзи хоҳламаган ҳолда иштирок этмади. Мазкур вазиятда икки ўспиринга баҳо беринг. Уларни сиёсий маданияти паст деб аташ мумкинми? Ҳар бирини алоҳида тавсиф этинг.

Вазиятли масалалар!

Муаммоли савол №1

Демократия Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаёти тарихида тушуниш қийин бўлган концепсияларидан биридир. Ўзбекистон миллий давлатчилиги тарихида «демократия» тушунчаси учрамайди. Лекин, 3000 йиллик тарихга эга бўлган бугунги Ўзбекистон учун унинг кўринишлари, «Демократия тамойилларининг негизлари бўлмаган деган хулоса қилиш мумкинми»?

1-гуруҳ. «Авесто», Беруний, Хоразмий асарлари, «Қутадғу билиг», манбаларидан фойдаланиб ўз фикрингизни асосланг.

2-гуруҳ “Темур тузуклари”, «Шайбонийнома», «Хоразм шажараси», А. Навоий асарлари, М.Улуғбек, «Тўрт улус тарихи»дан ва ҳ.к. манбалардан фойдаланиб ўз фикрингизни асосланг.

Муаммоли савол № 2

Минтақавий кадриятлар қаерда ва қандай шароитларда юзага келади? Ўрта Осиё халқларининг ўзига хос бўлган маънавий фазилатларни айтинг?

Миллат, озод бўлмаслиги, сиёсий жараёнлар натижасида бирор империя ёки давлатга қарам билиши мумкин, аммо унда ўз миллий кадриятларини сақлаш туйғуси йўқолиб кетмайди. Сиз ушбу фикрнинг таҳлилини беринг.

Муаммоли саволлар № 3

Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир” деган фикрни турли тарбиявий йўналишларга боғлаб, ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб мушоҳада қилиш мумкинми?

Ушбу фикр юзасидан ҳар бир талаба ўз фикрини эркин изҳор этиши сўралади. Ҳозирги кунда таълим тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсад айнан шу орзунини рўёбга чиқаришга қаратилгандир десак муболаға бўлмайди дея оламизми?

Улуғ мутаффакир Кайкавус “Қобуснома”да фарзанднинг ақл эгаси бўлишини ҳамма нарсадан улуғ деб билиб, шундай насиҳат қилган эди. Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмакка ҳаракат қил, чунки мол биладан бой бўлмоқдан, ақл биладан бой бўлмоқ яхшироқдур. “Ақл биладан мол жам этса бўлур, аммо мол биладан ақл ўрганиб бўлмас. Билгилки, ақл бир қиммат баҳо нарсаси-ки уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас ва сувда оқмас.” Сиз ушбу нақлнинг мазмунини ечинг.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Талабаларни мустақил таълимини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича ЙЎРИҚНОМА.....	6
Мустақил таълим мавзулари, мазмуни ва уларга ажратилган соатлар.....	13
Мустақил таълим учун ўқув-услубий адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати.....	29
“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фани бўйича бажарилган мустақил таълимга ажратилган соат.....	32
“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанидан мустақил таълимни бажариш бўйича муаммоли вазият ва кейслар.....	34
“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанидан кейслар	41
Мундарижа.....	45

**УТЕМУРАТОВ МАХМУТ АЖИМУРАТОВИЧ
ХАСАНОВ ТОХИР АБДУРАШИДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ
ВА АМАЛИЁТИ**

**фанидан мустақил таълимни ташкил қилиш бўйича
(услубий кўрсатма)**

Муҳаррир:

Техник муҳаррир:

Босишга рухсат этилди: Бичими 60x84 1/16

Офсет қоғози. Ризограф усулдида чоп этилди. Times гарнитураси.

Шартли босма табағи Нашр ҳисоб табағи

Адади 50 нусхада.

АННОТАЦИЯ

Мазкур услубий кўрсатма Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йил 9 сентябрдаги 3-сонли мажлис баёни билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Ушбу услубий кўрсатма “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанидан бакалаврнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлари мазмунига қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган.

© М.А.Утемуратов., Хасанов Т.А.

© Тошкент архитектура қурилиш институти, 2018 йил.